

Бир кун келиб ер ютиб юбориши ҳам мумкин



09:05 / 12.09.2019 4768

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿الضُّورِ بِذَاتِ عِلْمِهِ إِنَّهُ بِهِ جَاهِرُ الْوَقُولِكُمْ وَأَنْتُمْ لَا

Ва сўзингизни сир тутасизми ёки ошкора айтасизми, албатта, У кўкслардагини ҳам ўта билувчидир. (Мулк сураси, 13-оят).

Тафсирчилар бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида шундай ривоят қиладилар: Баъзи кофирлар ўзаро суҳбатларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши гапларни гапираётганларида, «Секинроқ гапиринглар, Муҳаммаднинг Худоси эшитиб қолмасин», – дер эканлар. Қуръони Карим уларнинг калтафаҳмлигини шу оят билан рад этган.

Аллоҳ таоло инсоннинг барча сирларини, жумладан, қалбидаги нарсаларни ҳам билиб туриши ҳақидаги бу тушунча инсон қалбига Аллоҳ таолодан қўрқиб туриш ҳиссини солади. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, барча гуноҳлардан четда бўлишга чорлайди.

﴿الْحَبِيرُ اللَّطِيفُ وَهُوَ خَلَقَ مَنْ يَعْلَمُ أَلَا﴾

Яратган Зотнинг Ўзи билмасми? Ҳолбуки, У ўта латофатлидир, ўта хабардордир. ((Мулк сураси, 14-оят).

Ожиз инсон бирор асбоб ихтиро қилса, ўша нарсанинг ҳамма тарафини, кам-кўстини, қандай ишлашини, қачон бузилишини ва ҳоказоларни билади-ю, барча махлуқотларни яратган Аллоҳ азза ва жалла Ўз бандаларининг ҳолини билмайдими?

﴿النُّشُورُ وَإِلَيْهِ رُجُوعٌ مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ فَاتْمِشُوا لِلْآرْضِ لَكُمْ جَعَلَ الَّذِي هُوَ﴾

У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг. Ва тирилиш ҳам Унинг саридир. ((Мулк сураси, 15-оят).

Уламоларимиз қадимдан ушбу ояти каримани Ислолда меҳнатга чорлаш, ризқни териб ейиш, ер юзининг турли жойларида ҳаракат қилиш зарурлигига далил қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ерни инсонга бўйсундириб қўйган, лекин бу ҳақиқат ҳозирги асримиздагидек ҳеч қачон яққол кўзга ташланмаган. Инсон ердан фойдаланишнинг барча турларини ишга солди. Бу оятдаги «юринг» деган хитоб мусулмонларни доимо касб-корга ундаган ва дангасалик, бекорчиликдан четлатган. Шу билан бирга, ризқ Аллоҳ таолодан бўлишини унутмаслик зарурлигини эслатган. Юқоридаги оятда бандаларга берилган неъматнинг баёни бўлганидан сўнг келаси оятда ношукрликнинг оқибати нима бўлиши, инсонга бўйсуниб, турли фойдалар бериб турган ер бир кун келиб, ларзага тушиши, инсонни ютиб юбориши ҳам мумкинлигининг баёни келади.